*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 182 (8422). 25 сентябрь, 1984 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● Кунлик ўсиш ва машина теримида юқори кўрсаткичларга эришаётган районлар, хўжаликлардан ўрнак олинг. ● Социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги, натижаларининг ошкоралигини таъмин этайлик. ● Далада меҳнат қилаётганларга маданий-маиший, медицина, савдо хизмати кўрсатишни намунали ташкил этайлик. ● Юбилей йили хирмонининг тезроқ бунёд этилишига ҳисса қўшиш—ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз, шон-шараф ишимиздир.

## *СССР Олий Совети Президиумининг Фармони*

### КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Константин Устинович ЧЕРНЕНКОни Ленин ордени ҳамда учинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотлаш тўғрисида

Ленинча ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, экономика ва маданиятни ривожлантириш, СССРнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида партия ва давлат фаолиятидаги ғоят катта хизматлари, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга шахсан катта ҳисса қўшганлиги учун КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Константин Устинович **Черненко Ленин** ордени ҳамда **учинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали** билан мукофотлансин.

**СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари**
**В. КУЗНЕЦОВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1984 йил, 22 сентябрь.

## БАРЧА КУЧ ВА РЕСУРСЛАРНИ ТЕРИМНИ КУЧАЙТИРИШГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК

60

### ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

#### ПЛАН БАЖАРИЛДИ, НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

БЕКОБОД. «Ленинград» совхозининг Нор Раҳмонов бошлиқ бригадаси пахтакорлари районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажариш шарафига муяссар бўлдилар. Мавжуд 56 гектар пахта майдонидан 95 тонна ҳосил йиғиштириб олинди.

Бригада аҳли эндиликда мажбурият ҳисобига пахта топширишни қизғин давом эттиряпти. Улар республикамиз юбилейи шарафига ҳосилдорликни 34 центнерга, ялпи ҳосилдорликни 195 тоннага етказишга қатъий аҳд қилишган.

Шу хўжаликдаги Бобоёр Ёқубов раҳбарлик қилаётган бригада коллективи ҳам дастлабки маррани эгалладилар. Айни кунларда бригада деҳқонлари қўшимча равишда яна 80 тонна пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар.

#### СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИБ

БЎКА. Район хўжаликларида машина йиғим-теримига катта эътибор берилмоқда. Ўтган куни далаларда 350 та пахта териш машинаси юқори унум билан ишлатилди. Ҳар бир машинада ўртача 5 тоннадан пахта терилди. Йиллик планнинг 3,18 процентн миқдорида хомашё тайёрланди.

Йиғим-терим ишларида, айниқса, Тимирязев номли колхоз механизаторлари бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Ўтган куни уларнинг куч-ғайратлари туфайли 18 та пахта териш машинасининг ҳар бирида ўртача 12 тоннадан пахта терилди. Шунингдек, Фрунзе номли ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари механизаторлари ҳам ҳар бир машинада 7—9 тоннадан пахта теришга эришдилар.

#### УЗОҚБОЙ УЗОҚНИ КЎЗЛАМОҚДА

ҒАЛАБА. Ўтган куни район пахтазорларида ишлатилган 350 та пахта териш машинаси ёрдамида 1955 тонна пахта териб олинди. Бу борада, айниқса, Свердлов номли колхоз механик-ҳайдовчилари ибрат намуналарини кўрсатдилар. Улар 26 та пахта териш машинасини бетўхтов ишлатиб, йиллик планнинг 5,8 процентн миқдорида пахта тайёрлашга эришдилар. Илғор механизатор Узоқбой Фармонов кунлик ўсишда яна пешқадам бўлиб қолди. Мавсумда 150 тонна пахта териш мажбуриятини олган бу механизаторнинг шу кунгача терган пахтаси 55 тоннадан ошиб кетди.

#### КУНИГА 10 ПРОЦЕНТДАН

ЯНГИЙЎЛ. Ўтган куни Ленин номли колхознинг Жалил Абдутолипов бошлиқ бригадаси заршунослари кунлик пахта тайёрлашда рекорд натижага эришдилар. Зулхумор Рихсибоева, Рихсижон Алимбоева, Қундуз Рўзиқулова сингари чевар теримчиларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли бригада бўйича бир кунда йиллик планнинг 10,2 процентн миқдорида ҳосил йиғиштириб олиниб, қабул пунктларига жўнатилди.

* * *

Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан хўжаликлар ўртасида йўлга қўйилган ўзаро социалистик мусобақада «Коммунизм» колхози пахтакорлари ғолибликни қўлдан беришмаётир. Аввалги куни хўжалик бўйича йиллик планнинг 4,2 процентн миқдорида пахта тайёрланди.

#### ОТА-БОЛА МЕХАНИЗАТОРЛАР ИБРАТИ

**ОҚҚЎРҒОН. Райондаги «Оққўрғон» совхозининг 4-бўлими деҳқонлари мавсум бошидан буён ғолибликни қўлдан бермай келаётирлар. Улар ҳосилни тез ва соз муддатларда йиғиштириб олиш юзасидан йўлга қўйилган мусобақада икки беш кунликдан буён ғолиб чиқиб, совхоз кўчма Қизил байроғини ўзларида сақлаб қолишди. Бунда ота-бола механизаторлар Нишонали ва Жўрабой Азимовларнинг ҳам муносиб улушлари бор. Мавсум давомида 300 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган ота-бола айни кунларда 8—10 тоннадан «оқ олтин» теришга эришяпти.**

#### ДЕПУТАТЛАР ҒАЙРАТИ БИЛАН

ЧИНОЗ. «Яллама» қишлоқ Советининг депутатлари республикамиз бир группа депутатларининг ташаббусларига қўшилиб, йиғим-терим ишларида фаол қатнашишга азму қарор қилдилар. Шу кунларда депутатлардан Раҳима Болтабоева, Тўти Маъмурова, Унсуной Алиевалар 140—150 килограммдан пахта териб, ҳамқишлоқларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Мавсум охиригача 8—10 тоннадан пахта теришга сўз берган бу чеварларнинг ҳозиргача уйган хирмонлари 3 тоннага яқинлашиб қолди.

Қишлоқ Совети идораси ходимлари ҳам ўз зиммаларига қатъий мажбурият қабул қилдилар.





**КОММУНИСТИК районидаги «Политотдел» колхози пахтакорлари йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этиб, район хўжаликлари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Хўжаликда йиғиб-териб олинган ҳосилни пешма-пеш қабул пунктларига етказиб бериш ҳам яхши йўлга қўйилган. Суратларда: Рўзибой Йўлчиев хўжалик биринчи бригадасининг транспорт тракторини моҳирлик билан бошқариб, «оқ олтин»ни ўз вақтида тайёрлов пунктларига етказиб бераётир.**

**А. АБАЛЯН фотолари.**

## ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, колхозлар, совхозлар ўртасида пахта териш ва давлатга топшириш бўйича ўтказилаётган социалистик мусобақанинг шу йил 21 сентябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи қуйидагиларга берилди.

**Чиноз районига** (район партия комитетининг секретари Мамедов, район ижроия комитетининг раиси Абдукаримов, РАПО Советининг раиси Ерхўжаев, қишлоқ хужалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Бекенов, район комсомол комитетининг секретари Рустамов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Араббоев ўртоқлар). Бу районда давлатга пахта сотиш йиллик плани 10,08 процент, шу жумладан машина терими плани 0,39 процент адо этилди.

**Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди»** совхозига (директори Эрназаров, партия ташкилотининг секретари Шаменов, касаба союз комитетининг раиси Абдулаҳадов, комсомол ташкилотининг секретари Имомов ўртоқлар). Бу совхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 12,85 процент бажарган.

**Ғалаба районидаги «Победа» колхозига** (раиси Пак, партия ташкилотининг секретари Холтурсунов, касаба союз комитетининг раиси Нурбеков, комсомол ташкилотининг секретари Абдуқодиров ўртоқлар). Бу колхоз давлатга пахта сотиш планини 19,70 процент, шу жумладан, машина терими планини 18,23 процент бажарган.

**Бўка районидаги Фрунзе номли колхозга** (раиси Қулмирзаев, партия ташкилотининг секретари Оппоқхўжаев, касаба союз комитетининг раиси Хошимов, комсомол ташкилотининг секретари Давидов ўртоқлар). Бу колхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 14,21 процент бажарган.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Чиноз районига, Ғалаба районидаги «Победа» колхозига, Бўка районидаги Фрунзе номли колхозга, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

## УЧ ДУГОНА—УЧ ПЕШҚАДАМ

ОДАТДАГИДЕК бугун ҳам тушликдан сўнг теримчи ва механизаторлар бир муддатга дала шийпонига тўпланишди. Звено бошлиғи Муҳаммаджон Салоҳиддинов ён дафтарчасини қўлига олди. Звенода кеча бир ярим процент миқдорида уруғлик пахта тайёрланганлигини ҳамда бу борада йўлга қўйилган социалистик мусобақада беш кунлик якун бўйича З. Маматисаева, Н. Зоирова ва М. Салоҳиддиновалар ғолиб чиқишганлигини мамнуният билан таъкидлади. Звено аҳли кейинги беш кунликда ҳам терим суръатини сусайтирмасликка, бор куч ва имкониятларини ишга солишга аҳдлашиб, пайкал оралаб кетишди...

Дарҳақиқат, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг М. Салоҳиддинов бошчилик қилаётган звеноси аъзолари йиғим-терим ишларида пешқадамликни қўлдан беришмаётир. Қўли гул чевар теримчиларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли звенода кунлик пахта тайёрлаш графиги ортиғи билан бажарилмоқда. Кечаги кунга қадар териб олинган 50 тоннадан ортиқ пахта пешма-пеш қабул пунктларига жўнатилди. Дастлабки ҳосилнинг барчаси юқори сортларга қабул қилинди. Бунда, айниқса, З. Маматисаева, Н. Зоирова, М. Салоҳиддиновалар сингари чеварларнинг ҳиссалари катта бўлаётир. Мавсум давомида 7-8 тоннадан пахта териб, республикамиз юбилейига муносиб туҳфа тайёрлашни мўлжаллаётган бу мусобақадош дугоналар сўзлари устидан чиқиш учун эрта тонгдан то қош қорайгунча пахтазорларда ҳалол меҳнат қилишмоқда. Шу туфайли ҳам ҳар куни 70—80 килограммдан дурдона териб, меҳнат беллашувининг олдинги сафларида боришяпти.

Звено пахтазорларига машиналар олиб кирилиши биланоқ терим суръати янада ошди.

**К. ХУДОЁРОВА,**
**Д. ҚОДИРОВА.**

## МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА *пахта терди?*

(24 сентябргача бўлган маълумот)

**ПИРМАТОВ Сайфи** — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг механик-ҳайдовчиси. 17 ХВ—1,8 маркали машинада бир кунда 11 тонна, мавсум бошидан буён 80 тонна. Мажбурияти 120 тонна.

**САЛИМОВ Абдусафар** — Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз механик-ҳайдовчиси, 17 ХВ—1,8 маркали машинада бир кунда 12 тонна, мавсум бошидан буён 80 тонна. Мажбурияти 185 тонна.

**ТОЖИҚУЛОВ Нурон** — Ўрта Чирчиқ районидаги Оҳунбобоев номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 14 ХВ—2,4 маркали машинада бир кунда 12 тонна, мавсум бошидан буён 73 тонна. Мажбурияти 145 тонна.

**ТЕНЬ Руслан** — Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг механик-ҳайдовчиси. 17 ХВ—1,8 маркали машинада бир кунда 12 тонна, мавсум бошидан буён 68 тонна. Мажбурияти 200 тонна.

**БОЛТАБОЕВ Ортиқали** — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз механик-ҳайдовчиси, ХНП—3,6 маркали машинада бир кунда 8 тонна, мавсум бошидан буён 40 тонна. Мажбурияти 150 тонна.

**КОВЕШНИКОВ Михаил**— Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози механик-ҳайдовчиси, ХНП—1,8 маркали машинада бир кунда 13 тонна, мавсум бошидан буён 25 тонна. Мажбурияти 200 тонна.

## ОҚ ОЛТИН—ВАТАНГА

### ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 24 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

**(Планга нисбатан процент ҳисобида)**

Биринчи устун—районлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Чиноз | 2,17 | 15,46 | 0,81 | 1,91 |
| Коммунистик | 3,82 | 15,22 | 4,27 | 15,31 |
| Ғалаба | 3,39 | 13,84 | 3,51 | 12,60 |
| Янгийўл | 2,22 | 13,54 | 1,41 | 3,61 |
| Бўка | 3,18 | 12,70 | 3,12 | 8,81 |
| Оққўрғон | 3,12 | 12,35 | 3,30 | 8,04 |
| Бекобод | 2,23 | 10,13 | 0,70 | 1,59 |
| Пискент | 1,63 | 8,86 | 1,12 | 2,35 |
| Ўрта Чирчиқ | 2,12 | 7,29 | 2,12 | 5,40 |
| Область бўйича: | 2,67 | 11,81 | 2,33 | 6,73 |

## ҲИЛПИРАЙДИ ОЛ БАЙРОҚ

**● ОҚҚЎРҒОН. Ўтган беш кунлик якуни бўйича «Ленинизм» колхози ғолиб бўлиб чиқди ва районнинг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. Бундай муваффақиятга терим техникасидан самарадорлик билан фойдаланилаётганлиги туфайли эришилди.**

**Колхознинг Азимбой Ҳусанов бошлиқ бригадаси деҳқонлари кунига 5 процентдан ошириб пахта тайёрламоқдалар.**

**Хўжаликда 26 та терим машинаси бор. Эрта-индин бу машиналар ёппасига ишга туширилади. Колхоз пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга 4850 тонна пахта сотиш юзасидан белгиланган планларини 15 октябргача бажариш учун курашмоқдалар.**

С. МУСТАФОЕВ.

## РАҲМАТ, ОТАХОНЛАР!

ЧИНОЗ районидаги Охунбобоев номли колхозда пахта йиғим-терими чинакамига авж олиб кетди. Хўжалик далаларида машина терими билан биргаликда қўл терими ҳам яхши уюштирилган. Пахтазорларда бўлсангиз колхозда истиқомат қилаётган кишиларнинг ҳаммаси теримда иштирок этаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу умумхалқ курашидан хўжалик пенсионерлари ҳам четда қолишмаяпти. 60 нафар меҳнат ветерани «оқ олтин» йиғим-теримида ўз фарзандлари ва шогирдларига кўмаклашишга аҳд қилдилар.

— Кузнинг бир куни йилга татийди, — дейди Нормуҳаммад ота Умаров. — Шунинг учун катта меҳнатлар эвазига етиштирилган пахтани йиғиштириб олишда ёрдам бериш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ветеранларнинг хўжалик далаларидан ҳозиргача терган пахталари 10 тоннадан ошди. Норхўжа ота Саидхўжаев, Шахобиддин ота Қодиров, Болтабой ота Қаршибоев сингари пенсионерлар кунига 40—50 килограммдан пахта териб барчага ибрат бўлмоқдалар. Ветеранларнинг ҳиммати билан кунига хирмонга 2,5 тоннадан «оқ олтин» тўкилмоқда.

